

Қирғизистон элчиси билан учрашув



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг [расмий сайти](#) хабарига кўра, бугун – 13 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Қирғизистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Данияр Сидиқовни қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга давлат ташрифи ва олий даражада бўлиб ўтган музокаралар доирасида эришилган келишувларни амалга оширишнинг аниқ масалалари муҳокама қилинди.